



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

<http://www.ishonch-doverie.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 16-iyun № 73 (3110) shanba

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.О.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Нормўмин Омонович Чориев Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 15 июн



Yangi kun yangiliklari

Уйлар муборак!

Қизилтепа туманидаги «Малиқобод» МФЙга 2009 йилда жами 40 та ёш оила янгидан қуриб битказилган уйларга кўчиб ўтган бўлса, 2011 йилда яна 20 та оила барча қўлайликларга эга бўлган янги хонадонларда яшай бошлади.

Туман миқёсида шу кунгача қуриб битказилган замонавий уйларда бахтли ҳаёт кечираётган оилалар сонى 225 тага етди.

Мустиқиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида яна 80 оила янги уйларга эга бўлади.

Иқром Усмонов, Қизилтепа туманидаги «Малиқобод» МФЙ раиси

Коллеж қуриляпти

Боботўғ кенгликлари Узун тумани марказида 150 километр оғирликда. Бу масканда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тоғликларнинг фарзандлари 5 та умумтаълим мактабида тахсил олмақда. Лекин шу кунгача ўқишни касб-хунар коллежларида давом эттиришда бир мунча қийинчиликлар бор эди.

Шуни ҳисобга олиб, «Боботўғ» КФЙ ҳудудида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори асосида 360 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши бошланди. Умумий лойиҳа қиймати 3 млрд. 839,3 млн. сўмлик объектда бунёдкорлик ишлари «Махсус қурилуш ва таъмирлаш бутлаш» МЧЖ-нинг тажрибали қурувчилари олиб бормоқда.

Ўз муҳбиримиз

Замонавий шифохона

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, даволаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Қўшарот туманида замонавий шифохона ишга туширилди. 2011 йил кўклайида шифохонани капитал реконструкция қилишга киришилган эди. Ўтган вақт мобайнида тўрт млрд. сўмдан ошқ маблағ сарфланиб тубдан янгиланган шифо маскани қурилди.

Туманда истиқомат қилаётган қарийб 110 минг нафарга яқин аҳолининг 30 мингга яқини фертел ёшдаги аёллар ташкил этади. Янги шифо масканидаги шароит аҳолига намунали тиббий хизмат сифати кафолатидир.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Сурхондарё вилояти кенгашининг сессияси

Шу йил 15 июн кuni Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исломи Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аввало мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминидан ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталиди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб бораётган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Юртбошимиз.

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида сўз юритганда, ўзимизга олис ва чекка бир ҳудудни тасаввур қилар эдик. Бу воҳа ҳақида гапирганда, аввало унинг мураккаб ва эскин иқлими, афғон шамоли, турли қийинчиликлар ҳақида сўз кетар эди.

Ҳақиқатан ҳам, эски тузум даврида Сурхон заминига бирёқлама қараш шаклланиб, бу минтақанинг тараққиёти, унинг улкан ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш масаласи йиллар давомида ҳал этилмагандан келгани яхши маълум.

Бу ўлканинг бетакрор, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиати борлиги, мард ва ориятли, бағрикенг инсонлар юрти экани ҳақида, қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоғи, умумашарий тараққиётга бекиёс ҳисса қўшган макон экани ҳақида жуда оза эсиклар эдик.

Ҳозирги кунда вилоят аҳли иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги, илму фан, маданият, таълим-тарбия, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида гурурланиб кўл гапириш мумкин. Агарки спорт соҳасини оладиган бўлсак, Сурхон заминидан тарбия топган, Алпомишнинг муносиб авлодлари бўлган Тоштемир Мухаммадиев, Абдулла Тангриев каби кураги ерга тегмаган, дунёга машҳур полвонларни ким тан олмайди?

Собик совет даврида Сурхондарёнинг маркази Термиз асосан ҳарбийлар ва уларнинг эҳтиёжи учун мослашган шаҳарга айланиб, замон талабидан орқада қолган эди. Ўтган йилгирма йил мобайнида амалга оширилган ишлар туфайли нафақат Термиз, балки барча туман марказлари ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, авваламбор, шу заминда униё-ўсиб келаётган ёшларга завқ ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Мен 30-40 йилдан буён Сурхондарё ҳаёти билан яқиндан танишман ва бугунги ўзгаришларни кўрганда, улар менга худдики қанот бергандек, бир вақтлар орзу қилган ниятларим амалга ошгандек ўзимни ҳис қиламан, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз юритганда, мусулмон оламида юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Ҳаким Термизий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси ҳар томонлама обод қилинган, ҳеч шубҳасиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш йўлида яна бир ул-

кан амалий қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида кейинги йилларда Термиз шаҳрида барпо этилган, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Меҳрибонлик уйи, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, Термиз давлат университетининг мухташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббий ва маданият масканлари вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида кечаги кунни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлдиқ, деган саволга ҳолисона жавоб топишимиз қийин эмас, албатта.

Ўтган беш йил давомида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат соҳасида эса охириги беш йилда ушбу тармоқда ўсиш кўрсаткичи 124,5 фоиз бўлганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ ҳўжалигининг айна шу даврдаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилганда, бу борадаги ўсиш 123 фоизни ташкил этганини қайд этиш зарур. Қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари вилоятда кейинги беш йил мобайнида мос равишда 2,9 ва 2 баробар ўсгани алоҳида диққатга молиқдир.

Айниқса, иқтисодий тизимнинг муҳим тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли худудий маҳсулот таркибидидаги улуши беш йил давомида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич эканига мажлисда Президентимиз томонидан алоҳида ургу берилди.

Кейинги йилларда бунёд этилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 525 миллион сўмлик маблаг сарфланиб, «Тошгузар» — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўлининг барпо этилгани нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеа эканини алоҳида таъкидласак, арзийди, албатта.

Вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳақида гапирганда, охириги беш йилда умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион сўмлик 18 та йирик лойиҳа амалга оширилгани эътиборга сазовордир. Жумладан, катта истиқболга эга бўлган Хонжиза полиметалл рудалар конининг ишга туширилиши, пахта хошмашини қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 12 миллион долларга тенг «Шиндонг Спиннинг» корхонаси, вилоятда тайёрланмаган пилла хошмашини тўлиқ қайта ишлаш бўйича қиймати 1 миллион 500 минг доллар бўлган «Сурхон — Термиз — Силк» корхонаси қурилгани ва бошқа кўплаб лойиҳаларнинг амалга оширилгани худуднинг саноат салоҳиятини оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Сессияда вилоятдаги ютуқлар билан бирга ўз ечимини қутиб турган,

ханузгача ҳал қилинмасдан келаётган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ҳаётнинг қайси соҳа ёки тармоғи бўлмасин — бу саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги бўладими, ижтимоий масалалар бўладими, одамларни безовта қилаётган айрим ноҳуш ҳолатлар бўладими — уларнинг барчасини бартаараф этиш — бу ҳам ўзимизга боғлиқ. Шу сабабли бугунги учрашувимизда кўпроқ мавжуд муаммолар ҳақида бир-галла ишланаётгани албатта талабга жавоб бермайди.

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда аввало енгил саноат тармоғи ривожланиш ўрнига қоқоқликка юз тутиб, саноат таркибиде 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганини афсус билан айтишга тўғри келади. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиги 6,9 фоизи шу ернинг ўзиде қайта ишланаётгани албатта талабга жавоб бермайди.

Ялли худудий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, вилоятнинг бу борадаги кўрсаткичлари мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичлардан паст даражада сақланиб қолаётгани барчамизни, аввало, вилоят раҳбарлари, депутатлар ва фаоллари йўлантириши керак. Нега деганда, Сурхондарёнинг бошқа худудларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ.

Қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам қоникарли эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ҳиссаси Термиз шаҳри, Денов, Шўрчи, Шеробод ва Жарқўрғон туманларига тўғри келмоқда. Ангор, Термиз, Бойсун ва Олтинсой туманларининг умумий саноат ҳажмидаги улуши эса пастлигича қолмоқда.

Вилоятда худудий экспорт таркиби асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар ялли экспортнинг 92,8 фоизини ташкил этади. Бу ўз навбатида саноат корхоналарини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалалари бугунги кунда ўткир вазифа бўлиб қолаётганини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Жорий йил бошига қадар вилоятда 27 мингтадан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг 90 фоизга амалда фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса, қоғозда бор-у, амалда йўқ.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам қатор камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бизни боқадиган ернинг унумдорлигини, самарадорлигини ошириш ҳар доим қишлоқ ҳўжалигидан оладиган даромаднинг асосий гавохи бўлиб келганини ҳаммамиз ялли тушунамиз, чуқур англаймиз. Бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг «Сен ерни боқсанг, ер сени боқди» деган мақолида чуқур маъно борлиги ҳаммамиз учун

ялли аён. Юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, ана шу дастур асосида Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган беш йил давомида қарийб 60 миллиард сўмлик маблаг ҳисобидан 63 та экскаватор ва бульдозер сотиб олинди, 430 километрдан ортиқ ирригация тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, 4 минг километрдан зиёд сув тармоқлари тозалангани ҳам тасдиқлаб турибди. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 73 миллион долларлик кредит ҳисобидан «Аму-Занг» канали ирригация тизимидаги асосий иншоотлар, жумладан, 3 та насос станцияси реконструкция қилинди. Бундай кенг қўламли ишлар натижасида воҳада 80 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва унумдорлиги оширилди.

2011 йил якунларига кўра, вилоят бўйича пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 29,2 центнерни, галлачиликда 48,9 центнерни ташкил этди. Кейинги уч йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга, галла ҳосилдорлиги эса 4-5 центнерга ошгани албатта ижобий натижа, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, бу соҳада ажратилган катта-катта маблагларни ўзлаштириш, замонавий техникаларни самарали ишлатиш, магистрал коллекторлар ва ички зовурларни тозалаш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп эканига сессияда алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлиги таъкидланди. Бугунги кунда бир метр куб сувни фермернинг даласига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобда 23 сўмга, Сурхондарё вилоятида эса 30 сўмга тушмоқда. Агар вилоятга йилга 3,8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблаг сарфланаётгани аён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди, деди Исломи Каримов.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сурхондарё вилоятида механизациялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Вилоятда кейинги икки йилда жами 60 миллиард сўмлик юқори унум билан ишлайдиган замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари сотиб олинган. Жорий йилда яна 30 миллиард сўмлик техника воситаларини харид қилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатиб келинаётган эскирган техникалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда бир ҳайдов тракторига ўртача 260 гектар майдон тўғри келмоқда. Натижада ерни шудорлаш ишларида техника етишмаслиги сезилмоқда ва бу ўта муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш мурдатта чўзилиб кетмоқда.

Бундай камчиликларга барҳам бериш, мавжуд техника парки таркибини янгиллаш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан, қишлоқ

ҳўжалигида ресурс тежайдиган техникалар, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ва улар билан фермерларни таъминлаш учун 2 триллион сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Ана шу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги тегишли вазирилик ва идоралар билан биргаликда ўзининг худудий дастури ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир туман, фермер ҳўжаликлари учун техникалар етказиб бериш йўллари, молиявий манбаларни аниқ белгилаб олиши зарурлиги сессия мажлисида муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 43 минг гектардан зиёд шахсий томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, ўтган йили уларда 9 минг тоннадан ортиқ картошка, 13 минг тоннадан кўпроқ сазовот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани, айрим омилкор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30-40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир.

Айни вақтда вилоятдаги баъзи туманларда бу масалага етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазибаларни адо этиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу фермер ҳўжаликларининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 4 минг 800 тадан зиёд фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 2 минг 490 таси пахта ва галлачиликка ихтисослашган.

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда яшаётган одамларни, Ўзбекистон шариатида 50 фоизга яқин аҳолини иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш, энг муҳими, саноатимизни хошмашё билан, халқимизни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодий тизимнинг жадал тараққиёти топишига, мамлакатимизнинг қўлга киритган ютуқларига, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга бекиёс ҳисса қўшгани ҳақида биз кўп гапирамиз. Ҳаётнинг ўзи охириги ўн-ўн беш йил давомида бунинг учун етарли далил ва асослар бермоқда.


Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий қучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзини Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсатига қарши чиқиш билан баробар, деган сўзларимни бугун тақроран айтмоқчиман, деди Исломи Каримов.

Лекин, фермерлик ҳаракатига бундай муносабат фермер ҳўжалигини юртиш, унинг самарадорлигини оширишга доир барча сир-асрорларни чуқур ўзлаштириш, деб айтишга асос бермаслиги керак.

(Давоми 2-бетда).

Табиий газда юрадиган автомобиллар

«Ўзэкоспарказ»да шу мавзуда Марказий Осиё кўргазмаси ва конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирларда мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари, шунингдек, ўттиздан зиёд давлатнинг қирқдан ортиқ компания ҳамда фирмалари вакиллари иштирок этди. Кўргазма ва конференция Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Муқобил ёқилги ва энергия турлари корхоналари» ассоциацияси томонидан ташкил этилди.



Икки кун давом этган конференцияда дунёда ушбу соҳада обрў қозонган экспертлар Ўзбекистон газ-мотор секторини ривожлантириш ва уни кенгайтириш истиқболлари ҳақида маъруза қилди. Айни пайтда мамлакатимизда автомобилларнинг 15 фоизи метан газида ишлашга ўтказилгани, 210 газ ёқилғисини қўйиш шохобчаси фаолият кўрсатаётгани ушбу йўналишда самарали ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Бундан ташқари, ушбу экологик тоза ёқилғида юрадиган автомобилларга 350 катта ва кичик сервис шохобчалари хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон худудидан ўтадиган магистрал йўлларда метан газини қўйиш шохобчалари қуриш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилди. Бундай шохобчалар йўлларнинг ҳар 40 километр оралиғида барпо этилади.

Аскар ЕҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар

Азиз муштарий!

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталарига иккинчи ярим йиллик учун обуна барча алоқа бўлимларида давом этмоқда.



Сурхондарё вилояти кенгашининг сессияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хозирги вақтда шу масала устида кўп ишлаб, Германия, Голландия, Польша каби давлатларга мутахассис ва фермерларни жўнатиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш орқали фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш бўйича бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган дастур тайёрлашмоқда.

Фермерлик соҳасида биз ҳозиргача фақат 10-15 йиллик тажрибага эгамиз. Ваҳоланки, фермерлик ҳаракати бутун дунёда неча юз йиллик тарихка эга. Биз уларнинг тажрибасини, ютуқларини ўрганиб, ўзимизда жорий этишимиз керак. Лекин бу борада ўз олдимизга шундай мақсад қўйишимиз керакики, эртага ўқувчи эмас, ўқитувчи бўлиб иш олиб боришимиз зарур.

Сессияда вилоятда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил этилди.

Сурхон воҳасида бугунги кунда 2 миллион 220 мингга яқин киши иқтисодат қилмоқда. Аҳоли жон бошига ўртача даромад кўрсаткичи вилоятда республиканинг ўртача кўрсаткичидан анча орқанда қолаётганини тан олиш керак ва бундай ҳолатни ўзгартириш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳақида тўхталар экан.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2011 йилда 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 73 фоиздан ортигича кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Айни вақтда, 2011 йил якуни бўйича, вилоятда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сонига 46 минг нафарини ташкил этимоқда. Баъзи туманларда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлиб қолаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Бу масалани енчиш йўлларида бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кучайтириш, фермер хўжаликлари пахтачилик, галлчилик ёки боғдорчилик билан чекланиб қолмасдан, ўзи етиштирган маҳсулотни саноат асосида қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган бригадаларни ташкил қилиш, таъминот масалаларини йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, бундан ўз йил олдин мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш, унинг яшаш шароитини шаҳар шароитига яқинлаштириш мақсадида муҳим давлат дастури қабул қилинган эди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий янги уй-жойлар қуришга қаратилган бу дастур ҳалқимиз то-

монидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бу уйларнинг лойиҳалари устида жуда кўп ишлаб, турли вариантларни курувчи ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилдик. Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асосида энг маъқул лойиҳалар қабул қилинди, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бундай уй-жойлар учун ажратилаётган ер участкаларининг ҳажми 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилгани, ҳалқимизнинг турмуш тарзи ва аънаваларини ҳисобга олиб, қўшимча кулайликлар яратилгани ҳам кўпчилик учун айни мудида бўлди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2009-2011 йилларда қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила янги уйларга қўчиб қиргани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакики, бундай замонавий уй-жой массивлари қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, коммунал корхоналар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 60 километрик газ, 72 километрик электр, қарийб 68 километрик сув тармоқлари барпо этилгани, 20 километрдан ортиқ йўл қурилиши амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Хозирги вақтда ушбу дастур талаблари қандай бажарилаётгани айрим вилоятларда тегишли назорат ташкилотлари томонидан жиждий ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти раҳбарлари ва мутасаддиларини ҳам оғохлантириб айтмоқчиман, билки қўйинглар, бу борада сўров қаттиқ бўлади, деб уқтириб ўтди Президентимиз.

Сессия мажлисида биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳоли ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 47 минг 446 нафар бола мактабни битирмоқда. Уларнинг 1770 нафари академик лицейларда, 45 минг 676 нафари эса касб-хунар коллежларида ўқиниш давом эттириши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақида гапирганда, айрим отаналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қарашлар ҳали-бери учраб туришини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳоланки, коллежда ўқиб, аниқ касб-хунар эгаси бўлиш биринчи

навбатда қиз бола учун зарур.

Қўлида ҳунари бор қиз бола эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-хунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажагига хиёнат қилган бўлашимиз, деди Ислом Каримов.

Бу масалалар ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушуниб олишимизнинг истардим — бу йилга юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз, албатта, бежиз эмас. Мустаҳкам оила деганда, биз аввало бахтли оилани, ўз мурод-мақсадига етadиган оилани тушунамиз, деб ўз сўзини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим масалада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофида таҳлил қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил якунларига бағишланган мажлисда мен бу мавзуга алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида оғохлантирган эдим, бинобарин, бу масала бўйича барча масъул мутасаддилар тегишли хулоса қилишлари зарур, деди Ислом Каримов.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашимиз учун аввало жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мурраккаб ва ескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳаммадан бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида хозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштириб, керак бўлганда меҳр қўрсатиб, керак бўлганда қаттиққўл бўлиб, аввало давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нараса боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно халқимиз ўз

меҳнати, оқилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из қолдирган етакчиларни доимо хурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойиқ бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Халқимизнинг «Яхшидан бoқ қолади, ёмондан доғ қолади» деган чуқур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан.

Айтиш керакики, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн қарра, юз қарра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: ҳўп, огайни, бу масалани бошқа томондан кўрайлик, яъни, сиз ўзингиз шу талабларга лойиқмисиз? Ҳар бир раҳбар бу саволни аввало ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, ошна-огайнигарчилик, маҳаллийчиликка берилмасликни талаб қилиш ҳақида кўп гапирши мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни, ким бу талабларга виждон амри билан, амалий ишлар билан жавоб бераётганини, ким эса хўжакўрсин ишлар билан, «кун ўтса — бас» деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чуқур тушуниб етиши, аввало нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ердан узилмаслиги лозим. Шундангина у эл-юрт ишончини қозониши, халқни юксак мақсадлар сари сафарбар эта олиши мумкин.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2011 йил декабр ойдан бўён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омоновчи Чориев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳам-жиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани бағдан қўйиб яшайлик, шундангина эртанги кун, келажақ бизники бўлади, деди Президент Ислом Каримов.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Хушбoқ Тангриев, Сариевнинг туманидаги «Нурали-Карим» фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Каримов, Термиз давлат университети ўқитувчи-

си Насиба Бегамова, Музработ туманидаги «Музработтекстиль» масъулиятли чекланган жамияти раҳбари Элмурод Жумаев, Термиз давлат университети талабаси Нигора Нормуродова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзикул Сотов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий гаплар ва амалий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислохотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов шу кунги Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди. Галла ўрими-йиғимининг бориши билан қизикди.

Абдузўйир Абдуқодиров раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 147 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 76 гектар майдонда гўза парваришламоқда. 71 гектар майдондаги галлазорда мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга пахта ва галла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Галлчиликда июн ойи муҳим палла, миришкорларимиз учун синов ойи ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу йил галлчилик учун қулай йил бўлди. Галлзорларимиз мўлжалдаги ҳосилни тўплади. Галдаги муҳим вазифа етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғштириб олишдан иборат.

Бунинг учун вилоятда барча имкониятлар етарли. Ҳосил йиғиб олинган майдонлар сомонни махсус техника ёрдамида прессланиб, ер пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодийетини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

— Фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз. — Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни ҳадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш

билан таъминлашга фаол ҳисса қўиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, гўзанинг серхосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Пахтанинг рентабеллиги банд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқмиш сўнади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучлари тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, профессионал ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий хизматга ҳар томонлама баркамол, чуқур билимга эга, юксак салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ёшларимизда қизиқши ҳисси, масъуллиқ туйғуси банд.

Сержантлар миллий армиямизнинг энг ишончли танчиси ва сунячига айланди. Ҳарбийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча кулайликларга эга замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, чеғараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осийишталгимиз кафолати — миллий армиямизни тақомиллаштиришга хизмат қилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миллий ҳавфсизлик хизмати Чеғара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Хизмат жараёни, ҳарбийларнинг яшаш ва оилавий шароити билан қизикди.

— Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва сунячидир, — деди Президентимиз. — Улар ҳар доим Ватанимиз ҳимоясига шай. Уларнинг доимо хушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осийишга ҳаёт кеçирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, барча соҳаларда қўлга киритаётган бетимсол ютуқларимиз, эришаётган марраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз, турмушимиз фаровонлиги истиклол туфайли эканини теран англайди. Сурхондарё вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар онгу шуридаги, тафаккурдаги ўзгаришлар ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

ЎЗА

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Панжа орасидан...

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этишга доир аънавий ўтказилаётган кўрик-танлов жойларда меҳнат ҳавфсизлигига масъулият билан ёндашиш, иш жойларини шахдолатлаш, ходимларни зарур махсус кийим-бош билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бироқ бу борада оқсаётган тармоқлар ҳам йўқ эмас. Жиззах вилояти мисолида оладиган бўлсак, истеъмолатоварларни ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмалари тизимидаги корхоналарда ушбу кўрик-танлов ўта суқташлик билан ташкил этилган. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси тизимида эса бу борада ҳеч қандай иш қилинаётгани ачинарли ҳол.

Ваҳоланки, меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишлар суқтиги туфайли жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятда учта бахтсиз ҳодиса содир бўлди.

«Ўзқишлоқэнергоқурилиш» ОАЖнинг электромонтёр-линейшиги Ғофур Худойбердиев металл анкер устунига чиқиб иш бошлади. Шу пайт устун пойдеворидаги болтлар охиригача тортилмагани, пойдевор ва бошмоқ оралиғида 4-5 сантиметр масофа бўлгани ҳамда симлар оғирлиги таъсири боис устун қулади. Оғир тан жароҳати олган Ғ. Худойбердиев икки кундан сўнг вафот этди. Тўғри, бахтсиз ҳодиса жойида ўрганилиб, марҳумнинг оиласига бир марталик нафақа — 22550400 сўм тўлаб берилди. Товон пуллари ҳам вақтида тўлаб борилмоқда. Аммо...

Шунингдек, Дўстлик пахта тозалаш ОАЖ ишчиси Абдуллатиф Назаров сеператор валини алмаштираётганида бошқа бир ишчи бехосдан дастгоҳни ҳаракатга келтириш тугмасини босиб юборди. Ҳаракатга келган вакуум барабани ходим-

нинг чап оёғини қисиб қолди.

Жиззах шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби дурадгори Улугбек Турмухамедов бинонинг иккинчи қаватидаги синган ойнани нарвонга қиқиб алмаштираётган пайтда йиқилиб, бел қисмидан жароҳат олди.

Оқибати оғир ҳар икки ҳодиса юзасидан жабрланувчиларга маъмурият томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Бироқ меҳнат муҳофазаси масалаларига масъулият билан ёндашиганида уларнинг олди олиниши мумкин эди.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, меҳнат муҳофазаси борасида ҳали жойларда қўллаб амалий ишлар қилиниши зарур.

Зомин туман ҳокимлиги, туман Давлат солиқ инспекцияси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш маркази, Давлат тижорат Халқ банки Зомин филиали, туман мудоффа ишлари бўлими, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошланғич касба уюшма қўмиталари ва ташкилотчиларнинг бу йўналишда олиб бораётган ишлари бугун-

ги кун талаби даражасида эмас. Уларда меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган комиссиялар фақат қозғода фаолият олиб боради. Жамоатчилик асосида вакиллар сайланмаган. Меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда суқт иштирок этилмайди. Жамоа шартномаларига илова қилинаётган битимлар номигагина тузилган бўлиб, амалда бу ишларни бажаришга бирор сўм ҳам молиялаштирилмайди. Туман тармоқ касба уюшма кенгаши шундай аянчли аҳвол билан муросазлик қилиб келяпти.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари тизимидаги қуйи касба уюшмалари фаолиятида ҳам бажарилиши муҳим бўлган тизим ишлар навбат кутиб турибди.

Жойлардаги қурилиш ташкилотларининг аксариятида жорий йил учун жамоа шартномалари тузилмаган, ўтган йиллардагиси эса муҳокама қилинмаган.

Жиззах шаҳридаги «Отабек-супертранс» (ходимлар сон — 132 нафар), «Мерос» кўп тармоқли хусусий фирма(ходимлар сон — 48 нафар)ларида бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолияти ўта суқт.

Ходимлар сон — эллик ва ундан ортиқни ташкил этаётган жамоаларда штат бирлигига меҳнатни муҳофазаси қилиш мутахассиси лавозимини киритиш масаласи долзарб бўлиб турган бир пайтда вилоят таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмалари кенгашиларнинг бу борадаги саъй-ҳаракати сезилмайди.

Шу каби камчиликлар агро-саноат мажмуи, истеъмолатоварлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшма кенгашилари, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма қўмиталари тизимида ҳам учрайди.

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўзининг расёсат мажлисида ушбу долзарб масалани атрофида муҳокама қилар экан, муаммоларнинг туб илдизини очиб ташлади. Уларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан масъул ва мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар қўйиб, унинг ижросини катъий назоратга олди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири



Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича жамоатчилик назорати юзасидан республика кўрик-танлови якунига етди. Мазкур беллашувда иштирокчилар «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Энг яхши касба уюшма қўмитаси» ҳамда «Энг яхши муассаса» номинациялари бўйича куч синашди.

Энг яхшилар аниқланди

— Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад жойларда меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш ҳамда бу ишга мутасадди ходимлар фаолиятини тақомиллаштиришдир, — дейди тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Абдухамид Юлдашев. — Масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, жойлардаги бошланғич ташкилотларга юқори касба уюшма органлари имкон даражасида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Кўрик-танловдан сўнг корхона ҳамда ташкилотларда сайланган меҳнатни муҳофазаси қилиш комиссиялари вакиллари ҳамда жамоатчи назоратчиларнинг фаолиятлари сезиларли даражада яхшиланди, албатта.

Нихоят, голиблар аниқланди. Биринчи ўрин Сурхондарё вилоят ички ишлар Ёнгин ҳавфсизлиги бошқармаси, «Узсаноктурилишбанк» муҳоро минтақавий филиали касба уюшма қўмитаси, «Термизбанк» касб-хунар коллежининг

меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Ш. Давроновга насиб этди. Иккинчи ўринга мудоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти Қўрай туман ўқув спорт-техника клуби, мудоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгашига қарашли Урганч бирлашган техник мактаби касба уюшма қўмитаси ва Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юртининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили М.Мухторов кўтарилишди. Учинчи ўринга эса Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Инкассация бошқармасининг касба уюшма қўмитаси ҳамда Наманган вилояти давлат-тижорат Халқ банкининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили М.Турғуновлар муносиб топилди.

Насиба РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

«УСТОЗ-ШОГИРД» ТИЗИМИ — АМАЛДА

Бугунги амалиётчи — эртанги мутахассис

Ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, уларнинг яхши касб эгаси бўлиб, муносиб жойларда фаолият юритишларига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилади. Бу эса уларни янада шижоат ва интилиш билан ўқишга, ишлашга ундамоқда. Ёшларга бу борада яқин кўмаккош бўлишда касба уюшмалари ҳам четда тургани йўқ. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг жорий йил 2 мартдаги «Ўзбекистон касба уюшмаларининг коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ижросига алоҳида эътибор қаратиламоқда.

Ишли бўлиш кафолати

Металлургия ва машинасозлик sanoati ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши тизимида 1 та касб-хунар коллежи ва юридик шахс мақомига эга 25 та ташкилот мавжуд. Уларда «Устоз-шогирд» тизими йўналишида кўплаб ишлар амалга оширилади.

Самарқанд Автомобилсозлик касб-хунар коллежи ўқувчиларининг тизимдаги корхоналарда амалиёт ўташи ва ишга қабул қилиниши учун шартномалар тузилган. Мазкур коллежни бу йил 172 нафар ўқувчи битирди. 26 май куни вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда «Автомобилларни йиғиш ва синаш» мутахассислиги бўйича ўқувчилар ўртасида «Энг яхши мутахассис» қўриқ-танлови ўтказилди. Унда иштирок этган битирувчилардан 20 нафарига Самарқанд Автомобил заводи ҳамда 10 нафарига «JVMAN – Uzbekistan» кўшма корхонасининг ишга қабул қилиш кафолатини берувчи сертификатлар топширилди.

Корхоналарнинг коллежлар билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Хусусан, «Самавто» МЧЖ томонидан вилоятдаги 6 та касб-хунар коллежи билан амалиётчи қабул қилиш тўғрисида шартномалар имзоланган. Бу ерда 2011 йилда 356 нафар ва жорий йилнинг ўтган

ойлари давомида 143 нафар ўқувчи битирув амалиётини ўтаган бўлса, ҳозирда 75 нафар ўқувчи ўқув амалиётда қатнашмоқда. Ҳар бир амалиётчи биттадан устоз бириктирилган. Улар учун махсус ўқув хоналари мавжуд. Бу йил 14 нафар кам таъминланган амалиётчи касба уюшмаси ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, коллежни битириб ишга жойлашган ва кам таъминланган 6 нафар ходимга 50 фоизи миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Иш берувчи ҳисобидан ҳар бир амалиётчи энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда ҳақ тўлаб борилади. 2012 йилда амалиёт ўтовчилар учун ажратилган жами маблағ 17 995 120 сўмни ташкил этади. Шу ҳисобдан уларнинг бепул овқатланиши ва махсус транспортда корхонага келиб-кейтиши таъминланмоқда. Корхона касба уюшмаси томонидан коллеж ўқувчиларининг саёҳати уюштирилади. Ўтган йили 1005 на-

фари корхонада ишламоқда. Жорий йилда 140 нафар кам таъминланган амалиётчи 1761760 сўм ва 10 нафар кам таъминланган битирувчи ишга жойлашгандан кейин 314600 сўм моддий ёрдам ажратиш режалаштирилган. Амалиётчиларнинг малакасини ошириш учун махсус жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд. Уларнинг туш-луги ва корхонага хизмат автобусида келиб-кейтиши ташкил этилмоқда.

Шунингдек, «Самарқанд лифтсозлик заводи» ҚК 3 та коллеж билан амалиётчи олиш тўғрисида шартнома имзоланган. Ҳозирда амалиёт ўтаётган 15 нафар ўқувчи 11 нафар малакали мутахассис устозлик қилмоқда.

Бундан ташқари, «Бурама асбоб» МЧЖ, «Автотехизмат» ОАЖ, «Алпомиш» МЧЖ, «Зулфия» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси, «Самарқанд пахтамаш» ОАЖ, «Ўқув спорт жиҳозлари» МЧЖ, «Сам Роз Холод» ҚКда ҳам коллеж ўқувчиларининг амалиёти самарали ташкил этилиб, битирувчиларни ишга қабул қилишга эътибор қаратиламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят бўйича жорий йилда 563 нафар ёш амалиёт ўтаган бўлса, уларга 243 нафар малакали ишчи-мутахассис устозлик қилинди. Шунингдек, амалиётчиларнинг 81 нафари билан уч томонлама шартнома тузилиб, коллежни тугатганидан кейин ишга кириши кафолатлаб қўйилди.

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Металлургия ва
машинасозлик sanoati
ходимлари касба
уюшмаси МК
хуқуқшуноси



Бандликка кўмак

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг 2012 йил 26 апрелдаги қарори билан «Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча аниқ манзилли чора-тадбирлари» тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда.

Марказий кенгашнинг «Устоз-шогирд» усулини жорий этишга кўмаклашиш бўйича мониторинг ишлари ўтган йили сентябр ойдан бошлаб олиб борилаётган. Тармоқдаги юридик шахс мақомига эга 3052 та ташкилот ва муассасанинг барчасида мониторинг ўрнатилган. Ҳозирга қадар 2010-2011 ўқув йили коллеж битирувчиларининг 2684 нафари тармоқдаги 609 та ташкилотга ишга кириб, фаолият юритмоқда. Уларнинг 27 нафарига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида касба уюшмаси маблағидан 850 минг сўм сарфланди.

Касб-хунар коллежлари 3-босқич талабаларининг амалиёт ўташи учун тармоқдаги ташкилотларда барча шароит яратилган бўлиб, 2138 та ташкилот ва муассасада 11558 нафар битирувчи ишлаб чиқариш ва дипломдаги амалиётини ўтади.

Тармоқ кенгашлари томонидан ишлаб чиқариш амалиётчи борганидан кейин энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда 409 нафар кам таъминланган талабага 5 млн. 147 минг сўм ажратилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ тизимида 23 та коллеж мавжуд бўлиб, битирувчилар 11 минг 358 нафарни ташкил этади.

Дарвоқе, касба уюшма маблағи ҳисобидан тармоқдаги ташкилотларда амалиёт ўтаётган кам таъминланган талабаларнинг Андижон вилоятида 20 нафарига, Наманган вилоятида 65 нафарига моддий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, Наманган вилоят кенгаши томонидан 60 нафар, «Савдогар банк» бошланғич касба уюшма ташкилоти маблағи ҳисобидан 4 нафар, «Қишлоқ Қурилиш банк» бошланғич касба уюшма ташкилоти маблағи ҳисобидан бир нафар кам таъминланган амалиётчи моддий ёрдам берилган.

Марказий кенгаш ходимлари томонидан жорий йилнинг 28 май - 1 июн кунлари Андижон ва Наманган вилоятларида бу борадаги ишлар ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Урганиш давомида Андижон ва Наманган вилоятларида 2010-2011 ўқув йилида коллеж битирувчиларининг 153 нафари тармоқдаги 64 та ташкилотга ишга жойлашгани аниқланди. Таҳлил шуни кўрсатадики, битирувчилар асосан вилоят, шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари, туман ҳокимликлари, молия бўлиmlари, тижорат банклари-нинг минтақавий, вилоят филиаллари, шаҳар ва туман бўлиmlарига экспедитор-курьер, кассир, мутахассис, иш юритувчи, назоратчи кассир, омбор мудири каби лавозимларга ишга қабул қилинган.

Тармоқ ташкилот ва муассасаларига ишга қабул қилинаётган ёшларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланиши касба уюшма органлари назоратида. Хусусан, ишга қабул қилинаётган коллеж битирувчилари билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномалари тузилиб, меҳнат дафт-тарчалари очилган. Улар ташкилотлардаги локал норматив ҳужжатлар, жумладан, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, йўриқномалар билан таништирилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказилган. Банкларда ишлаётган кассирлар махсус қийим, яқна тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланган. Иш жойларининг ишончилиги юзасидан мониторинг олиб борилади.

Жумладан, Халқ банки Наманган тумани Тошбулоқ филиалига ишга қабул қилинган Ўқургон банк-иктисодий коллеж битирувчиси, кам таъминланган оила фарзанди Ирода Юлдашева, Наманган агротадбиркорлик коллежини имтиёзли

Тармоқдаги банк муассасаларига ва солиқ органларининг жамоа шартномаларига асосан устозликка бириктирилган ходимлар рағбатлантирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, коллеж талабаларининг амалиёт ўташи учун тармоқдаги ташкилотларда барча шароит мавжуд ва ҳар битта амалиётчи биттадан мураббий бириктирилган. Уларнинг зиммасига амалиёт даврида талабага етарли шарт-шароит яратиш, ишга келиб-кейтиш, меҳнат интизомо ва берилган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш ҳамда ёрдам бериш каби вазифалар юклатилган.

Гулнора САЙБЕРДИЕВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси МК бўлим мудири



«Устоз-шогирд» тизими мамлакатимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашнинг самарали воситаси сифатида амал қилиб келмоқда. Ўтган даврда тизим орқали минглаб мутахассис ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топди.

Фаровонликка хизмат қилади

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмалари томонидан ҳам бу йўналишда талай ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ тасарруфидagi коллежлар битирувчиларининг ишга жойлашиши ўрганилиб, меҳнат фаолияти таҳлил қилиб бориляпти. Ўтган йили уларнинг 7067 нафари, яъни 86 фоизи ишга жойлаштирилди. Шундан 1540 нафар битирувчи тармоқдаги 187 та корхона ва ташкилотга қабул қилиниб, ёш ходимларнинг қўнимчилигини назорат қилиш борасида мониторинг ўрнатилди.

Жорий йилнинг 1 январидан тармоқ тасарруфидagi ўқув муассасалари сони 183 тани ташкил этди. Улардаги ўқувчиларнинг 68105 нафари ҳозирда амалиёт ўтаётди. Жумладан, 28293 нафар ўқувчи тармоқ тизимидagi корхоналарда иш ўрганимоқда. Марказий кенгаш томонидан вилоят кенгашларига коллежни имтиёзли диплом билан таъминланган ёш кам таъминланган 300 нафар талабага моддий ёрдам кўрсатилиши бўйича тақсимот берилган ва у режа асосида амалга оширилмоқда.

Масалан, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмалари Сирдарё вилояти кенгаши ва вилоят савдо департаменти ҳамда «Хунарманд» уюшмаси томонидан қўшма қарор қабул қилинган. Шу асосда Боевут енгил саноат касб-хунар коллежи қизилари каштачилик йўналиши бўйича хунар ўрганишмоқда. Хомий ташкилотлар томонидан узок-да яшовчи ўқувчиларнинг ўқишга келиб-кейтишини ташкил этиш мақсадида автобус ажратилган. Тармоқ касба уюшмалари Фарғона вилояти кенгаши 22 нафар кам таъминланган талабага, вилоятдаги «ДЕУ Текстиль» қўшма корхонаси эса амалиёт ўташ учун қабул қилинган ўқувчилардан 8 нафарига моддий ёрдам кўрсатган.

Шунингдек, Марказий кенгаш қошидаги Ёшлар кенгашининг иш режасида ҳам «Устоз-шогирд» тизимини янада такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар белгиланган.

Тармоқ касба уюшмалари «Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш ва мониторингини ўрнатиш мақса-ласида изчил фаолият юритмоқда.

Равадан АБДУҚОДИРОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси МК мутахассиси

Доимий мониторинг

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тасарруфида 350 та корхона ва ташкилот, 18 та касб-хунар коллежи мавжуд. Жорий йил ушбу коллежлар-ни 6626 нафар ўқувчи таъминлади. Тизимдаги корхона-ташкилотлар ва коллежлар ўртасида уч томонлама шартнома имзоланган. Бу йил корхона ва ташкилотларда 4876 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўтаб, билим ва тажрибасини бойитиш имконига эга бўлди.

Ўқувчилар амалиётини сифатли ҳамда самарали ташкил этиш бўйича корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратилган. Амалиёт даврида уларнинг махсус иш кийимлари ва ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланиши йўлга қўйилди. Ҳар етти нафар амалиётчи тажрибали устозларга бириктирилди.

Кам таъминланган ҳамда имтиёзли диплом билан таъминланган 304 нафар талабага касба уюшма маблағи ҳисобидан ишлаб чиқариш амалиётчи бор-гандан сўнг, қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда бир мартали моддий ёрдам берилди.

2011 йилда 93 та корхона ва ташкилотга 4021 нафар битирувчи ишга қабул қилинди. Битирувчиларни иш билан таъминлаш устидан доимий мониторинг олиб борилаётган.

Алишер МАМАТОВ,
Ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касба уюшмаси МК мутахассиси

Бўлажак шифокорларга ғамхўрлик

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 12 бандан иборат чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди ва жорий йил 9 мартдаги «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюш-маси Марказий кенгашининг коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги раёсат қарори қабул қилинди.

Туман тиббиёт бирлашмалари қошида касба уюшма маблағ-ларидан «Устоз-шогирд» хонаси-ни ташкил этиш ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминлаш иш-лари жадал кетмоқда. 2011 йил-да Марказий кенгаш томонидан Тошкент тиббиёт академияси-нинг амалиёт хонасига 4 млн. 900 минг сўм сарфланди. Хоразм вилоятида «Устоз-шогирд» хона-си ташкил этилиб, бунинг учун қарийб икки ярим миллион сўм, шунингдек, бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам керакли миқдорда маблағ сарф этилди.

Талаба ва ўқувчиларни мод-дий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам касба уюшмалари томони-дан ибратли ишлар қилинмоқда. Намунали талабаларга стипенди-ялар жорий этилган. Масалан, Марказий кенгаш томонидан республика бўйича кам таъмин-ланган, иқтидорли талабалардан 12, Қорақалпоғистон Республи-касидан 7, пойтахтимиздан 2, Тошкент вилоятидан 3 нафар та-лаба касба уюшма стипендиан-ти бўлди.

Касб-хунар коллежлари бити-рувчилари, коллеж раҳбарияти ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида тузилмадан уч томон-лама шартнома асосида ишга жойлаштиришда касба уюшма-лари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқ-да. Тиббиёт муассасаларида ус-тозликка бириктирилган ходим-лар учун рағбатлантириш тизи-ми Наманган вилоятида 64, Тош-кент вилоятида 90, Сирдарё ви-лоятида 50 та жамоа шартнома-сига киритилган. Андижон ви-лоят кўп тармоқли тиббиёт мар-кази, Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси, Сирдарё вилояти

Боёвут туман тиббиёт бирлаш-маси, Наманган шаҳар болалар шифохонаси, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ва Олмалик ша-ҳар тиббиёт бирлашмаларида ташкил этилган «Устоз-шогирд» хоналарини компютер, стол-стул, музлатгич ва кўрғазмали плакат-лар билан безатишга амалий ёрдам кўрсатилиб, 18 млн. 112 минг сўм сарфланди.

Жойларда қабул қилинаётган жамоа келишув ва шартнома-ларига ёшлар, хусусан, кол-лежни битирувчилар учун имти-ёзлар киритилишига эришиш мақса-ласига эътибор қаратилиб, жамоа шартномаларига алоҳи-да бўлим киритиш тавсия этил-ди. Ишга жойлаштирилган кол-леж битирувчиларига яратил-ган иш жойларининг ишончили-ги таъминланиши устидан доимий мониторинг олиб бо-риш йўлга қўйилди.

Тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган ўқув-чилар ишлаб чиқариш амалиёт-тига боргач, уларни моддий жи-ҳатдан қўллаб-қувватлаш мақса-дида республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда бир мартали моддий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ишлар қилинди. Бунинг учун касба уюшма маблағларидан 18 млн. 385 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари, коллежларда таҳсил олаётган кам таъминлан-ган иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Мар-казий кенгаш томонидан жорий йилда 30 нафар талабага энг кам иш ҳақининг бир баробари миқ-дорда стипендия бериш режа-лаштирилган.

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси МК хуқуқшуноси



«ЁЗ — 2012»



Мамти нарқли ўтмоқда

Фарғона вилоятидаги 22 та ёзги оромгоҳ таътилни орзиқиб кутган ўқувчи-ёшлар билан яна гавжумлашди. «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятига қарашли «Кимёгар» соғломлаштириш масканида ҳам болаларнинг мазмули дам олиши...

Бўлган воқеа

Ит билганини ким билади?..

Расул овчининг ҳикояси: Бир сафар каклик овига кетаётганимда, одатдагидек итим Бўйноқ ортимдан эргашди. Ҳар қанча уришиб-сўкмайин изимдан қолмади. «Хай, майли бораверсин. Менга оғирлиги тушармиди?» деб ўйладим.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

Пискент туманининг Сувти қишлоғида яшаган тажрибали асаларичи Абдумуталиб ота умр мазмунини ҳалол меҳнат ва одамларга яхшилик қилишда деб биладиганлардан эди. Бу инсон асал етиштириш билан бирга, халқ таъбобати асосида баъзи касалликларни даволарди ҳам.

Ҳам тижорат, ҳам таъобат

Болалигидан отаси ёнида юриб, асалари боқилини сирасорини пухта эгаллаган Абдусамд бу касбнинг назик жиҳатларини яхши билади. Шу сабаб у қатор ютуқларга эришяпти. Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси аъзоси сифатида нафақат юртимиз, қўшни давлатлардаги соҳа вакиллари билан ҳамкорликда кўп асал берувчи асалари зотини яратмоқда.

этишда хорижлик дўстларим билан маслаҳатлашаман. Улар билан алоқани йўлга қўйиш ва иш тажрибасини ўрганишда интернет имкониятидан фойдаланяман. Хорижий тиллардаги маълумотлар билан танишишда ўқиларим Илҳом, Шаҳбоз ҳамда Зуфар ёрдам беришяпти.

неъматлари билан аралаштириб, жигар, буйрак тоши, юрак, ошқозон яраси, аёллар бепуштлиги каби касалликларни даволяяман. Бу энг безардар ва самарали усуллар. Мақсадим — одамлар қорига яраш, улар қувончига сабаб бўлиш. Асаларичилик баъзилар ўйлаганидек осон иш эмас, назик томонлари жуда кўп. Айниқса, асалариларни қишдан омон олиб чиқиш кўп ҳаракат ва меҳнат талаб этади.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШАНЛАР

ТАБАРРУК ОТАХОН

Марғилон шаҳрида юз билан юзлашган пиру бадавлат нурунийлар кўп. «Ёвқочар» маҳалласида яшайдиган 110 баҳорни қаршилаган Муқимжон бобо Жалилов ана шундай табаррук қариялардан. — Истиклол менга иккинчи умр бахш этди, десам ишонаверинглр, — дейди Муқимжон бобо. — Кўз ўнгимда қанча бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Қадриятлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларимиз қайта тикланиб, обод этилди.

«Surxondaryo mulk markazi» MCHJ маълум қилади

Аукцион савдосига Термиз шаҳри «Термизтемирўйлиношоттаъмир» МЧЖ бошқарув раисининг 15.05.2012 йилдаги 52-сонли қарорига асосан жамиятнинг 21,77% ли пай улуши бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдоси тўғрисида «Ishonch» газетасининг 2012 йил 24-май кундаги № 63(3100)-сонда эълон берилган «Термизтемирўйлиношоттаъмир» МЧЖ бошқарув раисининг 14.06.2012 йилдаги 69-сонли хатига асосан аукцион савдоси тўхатилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касабга уюшма кўмитаси жамоаси «Ўзбекфильм» очиқ акционерлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Дилором Игамбердиевага волидаи муҳтарамаси ГҮЛЧЕХРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этади.

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақдир этилади

Аукцион савдосига тақдоран Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2008 йилдаги №604-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, 72073-ҳарбий қисмининг 11.06.2012 йилдаги 41/1-2115-сонли хатига асосан, ҳарбий қисмга тегишли Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри, Нуробод қўргони манзилида сақланаётган қўйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-3307» русумли, 11МХ5184 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 044 915 сўм. 2. «ЗИЛ-131 МТО» русумли, 11МХ5182 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 848 478 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 2 июл кунни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Бу тепаликнинг қандай сир-синоати бор экан-ки, Абдуқодир Абдувоҳидов уч-тўрт тенгдошлари билан ҳар тонгни ана шу адир этагида қаршиляпти. Қўшрабат заминининг рамзий остонаси бўлмиш бу масканининг нимаси ўзига тортади, билмадим. Кунда бир хил манзара. Субҳидам суҳбати авж олади. Бир гал бунинг тагига етишга муяссар бўлдим.

Абдуқодир муаллимнинг соғинчи

— Бу жойнинг об-ҳавоси, хосияти бошқача, — деди Абдуқодир муаллим. — Йўлнинг у ёнидаги поёнсиз боғни кўрайясизми? Уни раҳматли Хусан Ҳақимов бунёд этиб кетган. Шу инсон ўз умри давомида уч-тўрт ерда ана шундай боғ яратди. Бир қултум оқар сув келмайдиган адирларда инсон қатъияти, иродаси нималарга қодирлигини намоян этди. Биродарларимиз билан ана шу бўса-ғада тонгни қаршилашимиз боиси шундан. Турли юмушлар билан юртимизнинг турли гушаларидан қайтаётган ёки сафарга отланаётган юртдошларимиз билан учрашамиз.

— Абдуқодирнинг олий маълумот олиш учун бу галги уриниши ҳам самарсиз кетди. Армия сафига кўнгили бўлиб отланди. Жисмонан бақувват йигит кезиш тушган экан. Уч сафидаги ҳарбий хизмат иродасини тобилади, ўзига бўлган Ҳарбий хизматдан кейинги илк уринишидаёқ талабалар сафига кўшилди.

Олийгоҳни тамомлаб, Қўшрабат туманидаги 82-ўрта мактаб ўқувчиларига биология фанидан сабоқ берди. Муайян фурсат мактаб бошланғич касабга уюшма ташкилоти етакчиси сифатида ташкилотчи қобилиятини намойиш этди. Уша фурсатларда мактабга раҳбарлик қилган Азамат Жониқулов ёш ўқитувчидаги иқтидорни тезда пайқайди ва мактаб илмий бўлим мудири вазифасига тавсия этди. Мактаб нуфузи, салоҳияти жиҳатидан бутун Нурота воҳасида алоҳида ўрин тутган бўлиб, таълим даргоҳи битирувчиларининг 80-85 фоизигача турли олийгоҳларга ўқишга қабул қилинарди. Аҳил жамоа бундай ютуқлардан завқланиб таълим самарадорлигини тинмай ошира борарди. 1977 йилда Қўшрабат тумани ташкил этилиб, ёш ва интилувчан мутахассис Абдуқодир Абдувоҳидов ҳамда унинг бир қатор ҳамкасблари масъул вазифаларга тайинланди.

Хайтдаги ютуқларнинг барчаси оилавий тотулиш, хотиржамликка боғлиқ, деб ҳисоблайди Абдуқодир Абдувоҳидов. У турмуш ўртоғи Адилят опа билан тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаб вояга етказди. Данагидан мағзи ширин деганларидек, набиралар чугур-чугурдан завок олади. Нафақада ҳам тинч ўтиргани йўқ, бир оёғи мактабда. ... Кўнгилга буюриб бўлмас экан. Баъзан шоғирдларни кўмсаб қолди. Шундай чоғлар Абдуқодир Абдувоҳидов чокорида таърифи келтирилган серқатнов йўл ўтган адир бўйига чиқди. Олис-олисларга от сураётган шоғирдлар билан ғойибона дийдорлашди.

ЎХНАР — ЗАР

Гулистон туманида истиқомат қилувчи Ўқтам Шодмонкуловни қўли гул моҳир хунарманд сифатида яхши танишади. Бир неча йилдирки, турли чиганоқлар, мева данаклари, шолли, бугдой сомонларидан ва дарахт баргларидан бир-биридан гўзал, нафис суратлар яратди. Миллий хунарманднинг устaxonасида ана шундай маҳсулотлардан миниатюра, портрет, кўза ва турли эсдалик буюмларини учратасиз.

Ҳаёт гўзал, турмуш фаровон

От изини той босар экан. Бугун Ўқтамнинг ишини унинг қизи ва шоғирди ёш хунарманд Гулчеҳра Маматқулова давом эттирмоқда. Отасидан хунармандчилик сирасорларини пухта ўзлаштириб олган иқтидорли, қобилиятли қиз падаари бузуқворига ўратган хунармандлик ишларига ўзининг илҳомини, таваққури, шиддати ва нафосатини қўшмоқда. Ёш хунарманд томонидан тайёрланаётган нафис ранг-баранг суратлар, эсдалик буюмлар ўзининг миллийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Яқинда хунарманд ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида Гулчеҳра Маматқулова «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналиши бўйича голиб деб топилди, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Ширин шаҳрида яшовчи яна бир хунарманд Навбахор Ҳалимов ва эса гуруч, мош, тарик, турли дон экинлари ва уруғларидан суратлар тайёрляпти. Ёш хунарманднинг сеҳрли қўллари билан бунёд этилган «Она меҳри», «Табият манзараси», «Беғубор баҳор» каби суратларга боқар экансиз, оддий уруғлардан шунчалик гўзал санъат асарлари яратилганини кўриб, хайратингиз ошади. Навбахор бу хунарни устози Иззатой Мамарасуловадан ўрганиб, уни сайқаллаштирди. Кечагина шоғирд бўлиб юрган Навбахорнинг бугун ўзи устоз. Бор тажрибасини шайхлардаги шоғирдларга эришмай ўргатмоқда. Ёш хунарманд яратган санъат дурдоналари томошабинлар томонидан юксак баҳоланаёпти. «Ташаббус — 2012» кўрик-танлови вилоят босқичида ёш хунарманд Навбахор Ҳалимовга ташкилий кўмитанинг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Advertisement for O'KUF FTUU (Kasaba uyushmalari uyushmalari Federatsiyasi) listing various services and contact information.